
Қурбон ҳайити байрами муносабати билан шаҳардаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди

Қувасой шаҳридаги "Намуна" МФЙ ҳудудида Президентимиз ташаббуслари ҳамда Қурбон ҳайитини кенг нишонлаш борасида берилган кўрсатмаларига асосан, шу кунларда саховатли инсонларимиз томонидан маҳалладаги кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногирон аъзолари бор оилалар, ёши улуғ кекса нуроний отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олинди, уларга меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилмоқда. Ҳудуддаги ёш тадбиркорлардан саховатли инсон Юрсинали Рустамов томонидан "Намуна" МФЙ «Азизтепа» кучасида яшовчи меҳнат фахрийси Болтаби Ахмаджоновага ҳамда "Намуна" кучаси 142- уйда яшовчи Холматжон Сатторовларга 350 000 (уч юз эллик минг) сумга яқин дори-дармонларга амалий ёрдам курсатилди. Шу билан бир қаторда 2-сектор раҳбари, шаҳар прокурори Б.Бобоқулов ҳамда бир қатор маҳалладаги ҳомийлар томонидан ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларга бориб, хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

2019-08-13 17:01:49